

ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ ХУКУМАТЛАРАРО ФОРУМИ

Абдурахмонов Фарход Абдуфармонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Жаҳон иқтисодиёти”

кафедраси доценти в.б., сиёсий фанлар доктори (DSc.)

Аннотация. Ушбу мақолада Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ҳукуматлараро форумининг ташкил этилиши ва фаолияти таҳлил этилган.

Калим сўзлар: иқтисодий интеграция, ASEAN, AFTA, APEC, сиёсий барқарорлик.

1989 йилда Осиё-Тинч океани минтақасида биринчи ҳукуматлараро иқтисодий ташкилот бўлган Осиё Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик форуми (Asia Pacific Economic Cooperation Forum – APEC) ташкил этилди. Унинг ташкил этилишига Осиё-Тинч океани минтақасининг кенг маконида савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг объектив зарурати сабаб бўлди. АРЕСнинг тузилган пайтдаги асосий мақсади минтақавий савдо ва инвестиция қоидаларини ўрнатиш бўлган. Ҳозирда ушбу форум 21 та мамлакат иқтисодиётини бирлаштиради: Улар: Австралия, Бруней, Канада, Индонезия, Япония, Малайзия, Янги Зеландия, Филиппин, Сингапур, Жанубий Корея, Таиланд, АҚШ, Хитой, Ҳонконг, Тайвань, Мексика, Чили, Янги Гвинея, Вьетнам, Перу ва Россия.

Осиё-Тинч океанида минтақавий интеграция Европада минтақавий бирдамликнинг ўсиши таъсири остида ва совуқ уруш шароитида суверенитетни таъминлаш зарурати туфайли пайдо бўлди ва нисбий афзалликга эга минтақавий лидер пайдо бўлишининг олдини олиш билан ривожланишни қўзда тутган. Осиё-Тинч океани минтақачилигининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унинг ривожланиш тенденциялари энг катта нисбий устунликка эга давлатларнинг гегемон ёки жамоавий иродаси билан белгиланмайди. Аммо бу ерда айни пайтда бир-бирига рақобатчи

бўлган йирик мамлақатлар манфаатлари тўқнашади. Хитой, Корея Республикаси, Япония, АҚШ бир вақтнинг ўзида чуқур ўзаро боғлиқлик ва шиддатли рақобат элементларини бирлаштирган мураккаб муносабатларни шакллантирганлар.

Осиё-Тинч океани минтақасининг минтақавий иқтисодий интеграциясида иккита асосий импульс мавжуд бўлиб, булар ASEAN ва Хитой—Япония- Корея учбурчаги. Хитой ва Япония иккала институт доирасида ҳам иқтисодий ва сиёсий етакчиликни даъво қиласди, бу ерда рақобат воситаларидан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар шакллантирилган.

Форумнинг мақсадлари 1991 йилдаги Сеул Декларациясида қуйидагича баён этилган:

- (1) минтақа мамлакатларининг иқтисодий ўсишини қўллаб-куватлаш;
- (2) иштирокчи мамлакатларнинг ўсиб бораётган иқтисодий ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда кўп томонлама савдо тизимини мустаҳкамлаш;
- (3) ГАТТ/ЖСТ қоидаларига мувофиқ товарлар, хизматлар ва капитал ҳаракатидаги чекловларни олиб ташлаш.

АPEC тузилиши марказлаштирилмаган. Ҳар бир мамлакат бир йил давомида ташкилотга раҳбарлик қиласди ва унинг раҳбари форумни бошқаради ҳамда АPEC раҳбарлари, вазирлари ва ишчи гурухларининг йиғилишларига раҳбарлик қиласди. АPECнинг энг юқори органи аъзо мамлакатлар Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг норасмий саммитлари бўлиб, саммит давомида форумнинг йил давомидаги фаолиятини умумий натижаларини сарҳисоб қиласидиган ва уни ривожлантиришнинг кейинги йўналишини белгилайдиган декларациялар қабул қилинади. АPECнинг асосий ишчи органлари Ишчи Маслаҳат Кенгаши, (ИМК) бир нечта эксперт қўмиталари ва иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўйича бир қатор ишчи гурухлардир. 1995 йилда ташкил этилган Ишчи Маслаҳат Кенгаши (APEC

Business Advisory Council) доимий орган бўлиб, АРЕСга аъзо мамлакатларнинг ишбилиармон доиралари билан ўзаро алоқада бўлган асосий ишчи органлардан бирига айланган. ИМК аъзолари минтақада бизнес ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқадилар.

ASEAN ва АРЕС ташкилий тузилишда кўп умумийликларга эга, аммо шунинг билан биргаликда улар бир – бирини тўлдирадиган ва айни пайтда фарқ қилувчи тенденциялар-глобаллашув ва минтақалаштириш маҳсулидир. ASEAN ёпиқ минтақавийликнинг ёрқин намунасиdir ва фақат Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини бирлаштиради. АРЕС иштирокчилари, аксинча, "очик минтақавийлик" тамойилига содиқликларини эълон қилишган. Бошқача қилиб айтганда, ASEAN маълум бир минтақа – Жануби-Шарқий Осиё ичидаги интеграция субъекти, АРЕС эса бир қанча суб-минтақавий групчалар, шу жумладан, ASEANни ўз ичига олади. Осиё-Тинч океани минтақасидаги минтақавий муносабатларнинг муҳим хусусияти тўртта ҳуқуқий тизимнинг биргаликда яшашидир, яъни: англо-саксон, континентал, исломий ва социалистик.

АРЕС фаолиятини таҳлил қилганда қуйидаги хусусиятлар намоён бўлади:

- Осиё-Тинч океани мамлакатлари муассасалар ташкил этишда бой ва хилма-хил тажрибага эга;
- Минтақавий жараёнларнинг конфигурацияси бир вақтнинг ўзида бир нечта жалб қилиш марказлари атрофида шаклланади;
- Минтақавий аъзоларнинг иқтисодий ривожланиш даражасида фарқлар мавжуд;
- Минтақа мувозанатли таҳдидлар (нисбий устунликни камайтириш манбалари) ва имкониятлар (нисбий устунликни ошириш йўллари) билан ифодаланади, минтақавийликнинг ривожланиш суръати аъзоларнинг уларга нисбатан ҳатти-харакатларига боғлиқ;
- нодавлат актёрлар (бизнес, фуқаролик жамияти вакиллари ва бошқалар) минтақалаштиришнинг фаол иштирокчилари ҳисобланадилар;

- Осиё-Тинч океани миңтақасидаги миңтақавийлик айни бир пайтда чуқур таркибий қарама-қаршиликларни ўз ичига олади, бу уларни мавжуд муассасаларда ишлаб чиқилган амалиётлар орқали ҳал қилиш имкониятини чеклайди.

Бугунги қунда, Осиё-Тинч океани миңтақасида умумий миңтақавий хавфсизлик тизими мавжуд эмас, миңтақа бир қатор таҳдидларга дуч келган, булар:

- (1) Жанубий Хитой денгизидаги худудий низолар;
- (2) терроризм, экстремизм ва наркотрафик таҳдиidi;
- (3) назоратсиз миңтақавий қуролланиш пойгаси;
- (4) ракета ва ядро технологияларининг тарқалиш хавфи;
- (5) Тайвань мақомининг ҳал қилинмаганлиги масаласи;
- (6) Корея Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги Корея ярим оролидаги низоларга мойил мухит ва бошқалар.

АРЕСдан ташқари миңтақада Транс-тинч океани ҳамкорлиги (Trans-Pacific Partnership, TPP) фаолият кўрсатади. Транс-тинч океани ҳамкорлик шартномаси 2016 йилнинг 4-февралида Янги Зеландиянинг Окленд шахрида имзоланган. Ҳамкорликнинг белгиланган мақсадлари тариф тўсиқларини камайтириш, иштирокчи мамлакатларда меҳнат қонунчилиги, экология, интеллектуал мулк ва бошқа соҳаларда ички қоидаларни тартибга солишдан иборат. Ушбу ҳамкорликни ташаббускори АҚШ бўлди. Барак Обама президентлиги даврида бу АҚШ ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири қилиб белгиланган эди. Аммо республикачи Дональд Трамп даврида АҚШ ҳамкорликдан чиқиб кетди.

TPPни шакллантиришда АҚШ Осиё-Тинч океани миңтақасига экспортнинг ошириш билан бир қаторда миңтақадаги бошқа иқтисодиётларнинг ўсиши ҳисобига миңтақадаги янги иқтисодий зонани шакллантириш асосида Хитойнинг иқтисодий таъсирини мувозанатлашни мақсад қилган эди.

Ҳар томонлама ёки комплекс миңтақавий иқтисодий шериклик

(Regional Comprehensive Economic Partnership, RCEP) интеграциялашувни чуқурлашириш бўйича кейинги қадам бўлди. RCEP тузиш бўйича шартнома 2020 йилнинг 15-ноябрида Вьетнамнинг пойтахти Ханойда имзоланган. 1997-98 йиллардаги молиявий инқироздан сўнг ASEAN мамлакатлари катта иқтисодий қийинчиликларга учраган бўлсаларда ундан чиқиб кетиши бўйича ҳам тўғри келишилган сиёsat юритдилар. Кризис уларни янада бирлашишга ундали ва биргаликдаги ҳаракатга чорлади.

Яқин келажақдаги ASEAN ва АPEC минтақавий ташкилотларининг истиқболлари кўп жиҳатдан глобализация шароитида уларнинг фаолликлари билан белгиланади. Бошқа тарафдан эса дунёдаги глобал сиёsatдаги ҳолат, ўзгаришлар, юзага келиши мумкин бўлган низолар, урушларга боғлиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Булатов А.С. Мировая экономика: учебник. М.: “Экономистъ”, 2005
2. Семак Е.А. Международная экономическая интеграция: Учебное пособие. Минск: БГУ, 2012
3. Мисько О.Н. Международная экономическая интеграция. – СПб: Университет ИТМО, 2015
4. Найман В.Д. Характер интеграционных процессов в ЕС и АСЕАН: сопоставительный анализ. Вестник РГГУ. Серия “Политология. История. Международные отношения.”. 2016;(3):71-82.
5. Костюнина Г.М. Интеграционная модель АСЕАН+1: основные положения соглашений и влияние на внешнеэкономические связи // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Международные отношения. 2017. Т. 17. № 3. стр. 441-457.
6. Федоровский А. Эволюция АТЭС и перспективы региональных интеграционных процессов/МЭиМО №1, 2012
7. Хейфец В.Л. Международная интеграция: учеб. пособие. СПб.: ГУАП, 2022